

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил
12 июль
ШАНБА
№ 56 (12692)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! УЛАР – БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Мустақиллик йилларида турли соҳада бўлганидек, ишлаб чиқариш тармоғида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Кишилар меҳнати қадр топиб, қўлаб муваффақиятларга эришилмоқда.

Туроб Умиров 11 йилдирки, "Ўзбекўмир" очик акциядорлик жамияти Ангрен кўмир конида экскаватор машинисти бўлиб ишлади. У 1972 йили Ангрен билим юртини тамомлагач, меҳнат фаолиятини шу корхонада бошлади. Узоқ йиллар мобайнида корхона иқтисодиёти ва ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Т. Умировнинг меҳнатлари 2008 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саннат ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

Ислохотлар жараёнида йилдан-йилга корхонанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш кўлами янада кенгайди. У фидойи ва тажрибали мутахассис сифатида ўзига бириктирилган замонавий экскаваторнинг самарали ишлатилиши таъминлаб, корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига



муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирда корхонадаги "ЭКГ-77" русумли йирик электридрифтлик экскаваторлардан бирини бошқариб, ҳар ойлик иш

режасини 110-115 фоизга урддалаб келмоқда. 2011-2013 йиллар мобайнида ўзига бириктирилган экскаваторда 120 минг тоннадан зиёд маъданли

хом ашёни қазиб олди. Шунингдек, техникадан унумли ва оқилона фойдаланиши натижасида электр энергияси сарфини камайтиришга эри-

шиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда. Бу каби фидойи ва

меҳнатқаш инсонлар бизнинг фахримиз. Саид ҲАСАНОВ. СУРАТДА: Туроб Умиров (ўртада) ҳамкасблари билан. Даврон АҲМАД олган сурат.

2014 йил – Соғлом бола йили ЮРТ КЕЛАЖАГИ КАФОЛАТИ

Тарбия, ҳеч муболагасиз, заҳматли меҳнатдир. Айтайлик, олдимизда маълум бир вазифа турибди. Бир мuddат оғирчиликни бўйинга олсак, жидду жаҳд қилсак, уни бажарамиз. Енгил тортамиз. Бирок, тарбия масаласида бундай деб бўлмайди. У зиммамиздан ҳадеганда соқит бўлавермайдиган бурчдир.

Фарзанд ҳали туғилмасдан бурун бошланадиган жараён у туғилиб, оилала бўлиб, ўзи болачака орттирганда ҳам давом этади. Албатта, ҳар бир оила ўзи бир дунё. Унинг ўзига хос муҳити, ўрнатилган тартиботлари бўлади. Демак, фарзандларга бериладиган тарбия усуллари ҳам ана шу муҳитдан келиб чиқадики, бу борада ота-онага муайян андозаларни тақлиф этиш тўғрисида. Қолаверса, бир оиланинг ўзидаги фарзандлар тарбиясига турлича ёндашиш лозим, чунки ўзгача табиатли болаларга бир қилибдаги воситалар самарали таъбир кўрсатмайди.

Шунга қарамай, тарбиянинг асрлар давомида (хусусан, бизнинг Шарқда) синовдан ўтиб келадиган лузумотлари шаклланганки, бунга ҳар бир тарбиячи ота-она амал қилиши керак. Масалан, аввало болани ҳомила ҳолатида бўлганида она соғлиғи, унинг еб-ичиши, руҳий хотиржамлигига эътибор бериш, дунёга келган мурғак фарзанднинг бўлиқ, тийрак, соғлом вояга етиши учун дастлабки кунлардан оқ тўғри озиклантириш, вақтида ювиб-тараш, иссиқ-совуқдан эҳтиётлаш, тоза ҳаводан, кўёш нуридан баҳраманд этиш каби нозик юмушларни меърида бажариш...

(Давоми 4-бетда).

ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИ, НУФУЗИ БОР

Бугунги кунда аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида кўп гапириляпти. Зеро, оила жамиятнинг асосий бўлини ва таянчи. Ҳар бир оиланинг фаровонлиги эса унда аёлнинг тутган ўрнига боғлиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аёллари учун жорий этилган қонунчилик асослари чуқур мазмун-моҳият касб этди. Уларнинг ҳам оила, ҳам жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилган қонунлар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз томонидан аёллар ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг ҳуқуқлари эркаклар ҳу-

қуқлари билан тенглаштирилибгина қолмай, бу тенгликнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатлари ҳам яратилган.

(Давоми 2-бетда).

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Чирчиқ шаҳри ва Қибрай тумани мамлакатимиз пойтахтига яқин жойлашгани боис ҳудудлараро аҳоли қатнови анча юкори. Уз навбатида бу манзиларни боғловчи жамоат транспортлари ҳам талаб катта.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб 102-йўналишни автобуслар ҳаракатини йўлга қўйган эди. Қисқа фурсатда мазкур йўналиш намунавий хизмати билан йўловчилар эътиборига тушди. Асосан "Mercedes-Benz" русумли автобуслардан иборат янги жамоат транспорти Қибрай туманининг пойтахтга туташ ҳудудидаги автошоҳбақат ҳамда "Буюк Ипак йўли" метро бекати йўналишида ҳаракатланаётир.

Шукур МУРОВОВ.

Истиклол туфайли обод манзиллар



ЯНАДА ГЎЗАЛРОҚ ВА УЛУҒВОРРОҚ БЎЛАДИ

Инсоният тарихининг энг ёрқин саҳифалари ўтмиши-ю келажаги буюк Ўзбекистон, ўзбек халқининг ўзига хос табиати, кечмишларига бағишланган, десак муболага бўлмас. Зеро, номи улғу, шухрати минг йилликлар тарихига битилган халқимиз. Аммо, номини аъмоли, кудратию шухрати узоқ йиллар давомида пинҳон қолган ўзбекининг шарафини қайта тиклаган истиклол неъматига шукрона келтирмай бўлмас. Алҳол, ўзликимиз, тинчликимиз, қадр-қиммати-мизни топдик унинг нури кўчаларидан. Мамлакатимиз раҳбари бош-қош бўлаётган ҳар бир хайрли амал, сай-ҳаракатлардан кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Юртимизда қад ростилаётган азалий қадрият, урф-одат, анъаналаримиз ҳар гўшага бекиёс гўзаллик, қалбаларга гурур, ифтихор туйғуларини бахш этмоқда.

Шу кунларда жуда катта қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилаётган Зангиота зиёратгоҳи тез орада ўзининг янги қиёфаси, бекиёс гўзаллиги, улғуворлиги билан нафақат халқимизни, балки чет эллик сайёҳларни ҳам ҳушнуд этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент

вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қарори муҳим аҳамият касб этди.

Илк мустақиллик йилларида қайта таъмирланган Зангиота марқади 20 йилдан буён дунё ҳамжамияти эътиборида. Юртдошларимиз қалбидан фахр, ифтихор, сайёҳларда завқ-шавқ, хайрат ва ҳавас,

(Давоми 2-бетда).

ҲАР БИРИ РАҒБАТГА ЛОЙИҚ

Тошкент Давлат аграр университетидида олий таълим муассасалари битирувчилари билан иш берувчи – истеъмолчилар ўртасида уч томонлама муносабатларни ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли битирувчиларни аниқлаш, улар қобилиятларини келгуси тадқиқот, ишлаб чиқариш ва илмий фаолияти учун сафарбар этишга қўмақлашиш, жумладан, "Энг яхши битирув малака иши (диплом лойиҳаси) ва магистрлик диссертацияси ҳимояси"да юқори натижаларга эришганларни тақдирлаш мақсадида тадбир уюштирилди.

Унда университет ўқитувчи ва талабалари, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни университет ректори, профессор Б. Сулаймонов кириш сўзи билан очди:

– 2013-2014 ўқув йилида университетимизни 1402 нафар талаба, 201 нафар магистрлар

тамомламоқда, – деди у. – Қувонарлик, уларнинг 100 нафари "Энг яхши битирув малака иши (диплом лойиҳаси) ва магистрлик диссертацияси ҳимояси"да юқори натижаларга эришди, фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб, университетимиз шаънини

тамомламоқда, – деди у. – Қувонарлик, уларнинг 100 нафари "Энг яхши битирув малака иши (диплом лойиҳаси) ва магистрлик диссертацияси ҳимояси"да юқори натижаларга эришди, фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб, университетимиз шаънини



муносиб ҳимоя қилишди. Бу эса, албатта рағбатга лойиқ.

Шундай қилиб, "Энг яхши битирув малака иши (диплом лойиҳаси) ва магистрлик диссертацияси ҳимояси"ни муваффақиятли ёқлаган

талабалар университет ва ҳомий ташкилотлар тайёрлаган фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Саида ИКРОМОВА, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур қарор ижроси доирасида ишлаб чиқилган туман дастурига қўра, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларга жаҳон андозалари талаблари асосида билим бериш, истеъдодли йигит-қизларнинг қобилиятини юзага чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилда тумандаги умумтаълим мактабларини 1 минг 968 нафар, касб-хунар коллежларини 2 минг 82 нафар йигит-қиз тамомлади. Уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ва бандлигини таъминлаш айна пайтдаги устувор вазифадир. Бу борада таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва корхоналар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оши-

рилмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтиришда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни бекиёс. Туманда мазкур ташкилотнинг 16 минг 200 дан ортқ азъоси бор. Жорий йилнинг ўтган даврида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун тўрт маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тузилган уч томонлама шартнома асосида битирувчилар иш ўринларига эга бўлмоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истигади бўлган 23 нафар йигит-қизга ўз бизнесини бошлаши учун тижорат банклари томонидан 219 миллион сўм миқ-

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

дорида кредит ажратилди. Яратилаётган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Жумладан, "Ташаббус – 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичида Шавкат Юсупов энг фаол ёш тадбиркор сифатида эътибор этилди. Оилалар мустаҳкамлиги, қизларни оила қуришга тайёрлашда муамма ФХДЕ бўлими қошида ташкил этилган "Оила дорилфунни" фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Бу ерда никоҳдан ўтаётган ёшлар билан оиланинг муқаддаслиги, эрта ва қариндошлар ўртасидаги турмуш қуришининг салбий оқибатлари, оиландаги муносабатлар, оилавий ҳаёт тўғрисида суҳбатлар олиб борилмоқда. Ақриллаб, ноқонуний никоҳ ҳолларининг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Туман ҳудудида "Қамолот" шаҳарчаси барпо этиш эътиборида 2 гектар ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларидаги замонавий спорт иншоотлари катта роль ўйнамоқда. Учта болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Тумандаги "Хумо" спорт мажмуасида ёшлар бокс, футбол, кураш, таэквандо, дзюдо каби спорт турлари билан шуғулланиб, вилоят, мамлакат терма жамоалари таркибидида нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Қибрай, Салар шаҳарчалари ва Байтўғроғон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7-, 16-, 21-умумтаълим мактаб-

лари капитал реконструкция қилинди, иккита мусиқа ва санъат мактаби қад кўтарди. Ушбу санъат мактабларида беш юзга яқин ёш истеъдод соҳиб тасвирий санъат, хайкалтарошлик, миллий ва жаҳон классик мусиқаси ҳамда эстрада йўналишларида таҳсил олаётир. 2014 йилда фойдаланишга топширилган 60 ўринли "Зуко болажонлар" мактабгача таълим муассасасида кичкинтойларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча қулайлик яратилган.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз соғломасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалии намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тисмоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда. Президентимиз Ислам Қаримовнинг шу йил 1 июлдаги Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги ушбу буюк сана

– истиклол байрамининг 23 йиллигига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича қарорига асосан туманимизда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу гоғияни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан шу кунларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан тақдир, бутуни ва келажига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказиш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверди. Зеро, ёшлар эртанги кунимизнинг эгалари, келажакимизнинг яратувчилариридир. **НИҒМАТ МУҲАМЕДОВ, Қибрай тумани ҳокими. (ЎЗА).**

2014 йил – Соғлом бола йили

Кейин эса, аниқроғи бола кўкракдан ажратил- гач, тарбиядаги энг нозик давр бошланади. Бола- нинг энди нафақат жисмо- ний соғлиги, балки ақлий, ахлоқий жиҳатларини ҳам тарбиялаш бошлаш керак бўлади. Болаимиз ҳали ёш, эсини танигач, кейин одоб-ахлоқни ўргатамиз дейиш тўғри эмас. Кўпин- ча, ёш ота-оналар фар- зандаларини дуркун, соғ- лом ўсаётганидан қувониб, хотиржамликка берилди- лар. Асосий нарсани уну- тдилар. Ақл ва ахлоқ тар- биясида кечикиш, бу ҳам- ма нарсани аввал бошда- ноқ бои беришидир.

Тарбияда яна ҳамма бирдай амал қилиши ке- рак бўлади деган жиҳатлар, бизнингча, куйидагилар: оиладаги фарзандларни тенг кўриш, у хоҳ қиз бўл- син, хоҳ ўғил, хоҳ тўнғич, хоҳ кенжа бўлсин, уларга нисбатан адолатли муноса- бат ўрнатмоғимиз лозим. Яна боланинг истақларини меъёрида адо этиш. Мус- тақилликка ўргатиш. Меҳ- натга кўникма пайдо қилиш. Китобга рағбатлан- тириш. Бир-бирларига нисбатан биродарлик туй- гусини уйғотиш. Қарин- дош-уруғ, қўни-қўшни, ма- халла-қўйга нисбатан ақин- лик туйғусини шаклланти- риш. Ва айниқса, боғча ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

мактабга, тарбиячи, усто- зларга нисбатан меҳрли бўлишларига эътибор бе- риш...

Хўп, бундай фазилат- ларни болага синдириш йўллари қандай? Кўпинча, ота-оналаримиз тарбия- нинг оддий усулларидан фойдаланишни маъқул

болага насиҳат қилмасдан ҳам тарбиялаш мумкин. Бунинг учун биз болаимиз- ни қандай қиёфада, сура- ту сийратда кўришни ис- тасак, ўзимиз шундай ин- сон бўлишимиз керак. Эр- хотин бир-биримизга, яқинларимизга нисбатан меҳрибон, адолатли бўл-

Мухтарам Президентим- сиз Ислам Каримов "Юк- сак маънавият – энгилмас куч" асарига таъкидла- ган: "Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасав- вурлари биринчи галда оила бағрида шакллана- ди. Боланинг характери-

нидек "жаннат боғининг боғчаси"га айлантириш оила аъзоларининг ўз қўлидадир. Албатта, бун- дай даража – мақомга эришишнинг ўзи бўлмай- ди. Бу ниҳоятда нозик, таъ- бир жоиз бўлса заргаро- на эътиборнинг, йиллар давомида қатъият ва из-

вомида муқаддас саналиб келаётган қадриятларига чинакам таҳдид сифатида тарқалаётган Фарбнинг "оммавий маданият"ни олиб қарайлик. Унинг йўлига қим тўсиқ қўя ола- ди? Албатта, биздаги мил- лий-диний қадриятлар билан Ҳимояланган оила муҳити, оила тарбияси, оилада шаклланган мус- таҳкам иммунитет.

Азиллар, Рамазони шарифдек муқаддас ойда яшаб туришимиз. Бу ойда қилинган ҳар бир хайрли савб-ҳаракат Яратган то- монидан ҳар қачонгидан кўра кўпроқ қувватланади, кўпроқ ажрларга сабаб бўлади. Рамазони шариф – шарафланган ой. Унинг ҳақиқ-ҳурмати яхши ни- ятларни қилади. Яхши иш- ларга киришайлик. Фар- зандаларимиз тарбиясида қатъиятли бўлайлик. Зеро, оиламизда, маҳалла-қўй, шаҳар қишлоқларимизда, демакки, юртимизда жи- сман кўркем, маъна бақув- ват ва гўзал инсонлар ка- молга етаркан, биз ўз ва- зифамизни, фарзандла- римиз олдидаги, Яратган олдидаги, қолаверса, эл- юрт, Ватан олдидаги бур- қимизни шараф билан адо этган, бу билан ўз кела- гагимизни, демакки мам- лакатимиз келажагини ка- фолатланган бўламиз.

Оила – мўтабар дар- гоҳ. Унинг мўтабарлиги- ни таъмин этувчи омил- лардан яна бири, бизнинг назаримизда, у инсон бо- ласини ҳар турли ёт таъ- сирлардан ихота этувчи мустаҳкам кўрғон бўла олиши ҳамдир. Масалан, башариатнинг асрлар да-

Озод Ватаннинг эркин тадбиркори

Ўрмон ҳўжалиқлари ўз худудларининг сув- сиз қиялиқларида боғлар яратишга киришган пайтлар эди. Бўстонлик туманидаги собиқ Чир- чик ўрмон ҳўжалигини бошқарган Мирҳидой Но- сиров катта ҳажмдаги қиялиқда терасса- лар ясашиб, асосан мевали дарахт кўчатлари- ни эктирган. Оқибатда йиллар ўтиб, сара боғ- лар пайдо бўлди. Эндиликда шу боғлардан кат- та даромад олинмоқда.

Мен ҳам Хондайлик қишлоғи худудидида шун- дай терассалардан етти гектарда ўз маблагим ҳисобидан кўчатлар харид қилиб, иш бошлаганман. Сувсизлик, чорва моллари хуружи каби кўп оғир си- новларни бошдан кечири- шимизга тўғри келган. Шу- ларга қарамай, олға инти- лавердик, курашавердик.

Натижада кўчат харид қилишга ҳам ҳожат колма- ди. Шундоқ кўз ўнгимизда ҳақиқий омилкор йигит раҳбарлигида ажабтовур боғлар барпо бўла бошла- ди. Етти йил аввал бош- ланган беш гектар боғ ҳосилга кирди. 2014 йил- га келиб, мевали боғлар 22 гектарга етди. Унинг уч гектари узумзор. Яна 25

ҚИЯЛИҚДА БОҒ ЯРАТДИ

Асо- сий мақ- сади- миз – табиий гўзал- ликлар- га ўз ҳис- са- мизни қўшиш, ижодкорлар ҳам боғ-роғ- лар яратишга қодир экан- лигини амалда исботлаш. Энг оғир дамларда инсон ўзини тушунадиган, ёнинг- да елкадош бўлиб тура оладиган, беғарас масла- ҳатлар беришга қодир ше- рикни кўмсаб қоларкан. Бизнинг боғимиз бор-йўғи етти гектар қиялиқда. Куйи тарафда эса асосан буғдой экиб келинган бу лалми ерлар ширкат ҳўжалиги- нинг фаолиятсизлиги ту- файли йилларида тад- биркорлик йўлга қўйилиб, фермерчилик жорий этила бошлагач, ҳаёлимга тўса- дан ярқ этиб келган фикр- дан ўзим ҳам қувониб ке- тдим. "Хондайлик қишлоғи- дан қатнаб, Чирчиқ шаҳри- да тадбиркорлик билан шуғулланувчи Абдусоид Олимовни ҳароб бўлиб

20-25 та мавсумий иш ўр- ниди Хондайлик аҳолиси- нинг ишлаётгани қишлоқ кўзига нур, белгиа қувват бўлмоқда. Бизнинг мўъ- жағина боғимиз ҳам тур- кибат ўсаётган "Дилшо- дшиқ Хондайлик" ёнида олға силжимоқда.

Абдусоиднинг такли- фиға кўра, табиат тўқисли- ги, халқ фаровонлиги учун яна бир муҳим ишни бош- лашга келишиб олдик. Фақат Тошкент вилояти ёки Бўстонлик тумани тоғлардан оқиб ту- шувчи ариқ ва анҳорлари- да табиий ҳолатда яшаб келган балиқлар турғунлик йилларидаги назоратсиз- лик оқибатида табиат ку- шандалари томонидан қириб юборилган. Шу жу- младан, Бўстонлик тумани- нинг Хондайлик қишлоғи- даги Шўрбосой ва Туя- тошсой деб номланган тоғ- дан тушувчи ариқларда яшаган мазали хонбалиқ ва шохбалиқлар ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетган. Холбу- ки, ҳар йили баҳор ойла- рида балиқлар туҳум қўйиш учун Чирчиқ даре- сидан юқоридаги ариқлар- нинг бошигача чиқадилар. Аммо назорат йўқлиги ту- файли улар яна қиринган учрайверади. Тадбиркор йигит фикрига кўра, бу ариқлар ёнларида ҳовуз- лар ташкил этилиб, балиқ боқилса, ҳам даромад ва иш ўрни вужудга келади, ҳам қадимдагидек табиий ҳолда яшовчи балиқлар манбаи пайдо бўлади. Бун- дай тажрибани диеримиз- даги барча ариқ ва анҳор- ларда қўллаш мумкин. Ҳозирги давр тили билан айтганда, ҳаёлий эмас, аjoyиб ҳаётий лойиҳа амалга ошади. Бундай из- ланувчан инсонлар фаоли- яти албатта ҳар қанча таҳ- синга лойиқ...

Ҳеч пайсалга солмай Аб- дусоидга учрашдим, ас- тойдил суҳбатлашдик. Тад- биркорнинг жуда машақ- қатли, шу билан бирга са- вобли ишга бош қўйиши дастлаб қийин кечди. Ҳа- роб холда ётган улкан худудни синчиқлаб кезиб чиққан, баъзи ўринларда тортишган, ҳатто аччиқла- шиб қолган пайтларимиз ҳам бўлди. (Шу даврда мен Хондайлик қишлоқ фука- ролар йигини раиси эдим- да!) Хуллас, охир-оқибат- да камгап ва ўта босиқ, олислини кўра олувчи тад- биркор йигитни киндик қони томган ерларда гузалликлар яратиш, са- вобли ишлар қилишга кўндирдим. Шундан сўнг Авлиёбува худудига "Дил- шодшиқ Хондайлик" фер- мер ҳўжалиги 150 гектар майдонда дастлаб галлачи- лик билан иш бошлади.

Бир йўла тоғдан кела- диган мавсумий сувдан оқилана фойдаланиб, ме- вали дарахт кўчатлари экиш ва замонавий услуб- да тартибли боғлар яра- тишга киришилди. Тад- биркорликни қарангки, вақтни бой бермай, бир ярим гектарда дарахт ва гул кўчатлари етиштири- ши ҳам йўлга қўйдилар.

гектарда кўши- ма ча боғ яратиш режа- лашти- рилган. Олтига доимий ва ҳар й и л и

Абдусоиднинг такли- фиға кўра, табиат тўқисли- ги, халқ фаровонлиги учун яна бир муҳим ишни бош- лашга келишиб олдик. Фақат Тошкент вилояти ёки Бўстонлик тумани тоғлардан оқиб ту- шувчи ариқ ва анҳорлари- да табиий ҳолатда яшаб келган балиқлар турғунлик йилларидаги назоратсиз- лик оқибатида табиат ку- шандалари томонидан қириб юборилган. Шу жу- младан, Бўстонлик тумани- нинг Хондайлик қишлоғи- даги Шўрбосой ва Туя- тошсой деб номланган тоғ- дан тушувчи ариқларда яшаган мазали хонбалиқ ва шохбалиқлар ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетган. Холбу- ки, ҳар йили баҳор ойла- рида балиқлар туҳум қўйиш учун Чирчиқ даре- сидан юқоридаги ариқлар- нинг бошигача чиқадилар. Аммо назорат йўқлиги ту- файли улар яна қиринган учрайверади. Тадбиркор йигит фикрига кўра, бу ариқлар ёнларида ҳовуз- лар ташкил этилиб, балиқ боқилса, ҳам даромад ва иш ўрни вужудга келади, ҳам қадимдагидек табиий ҳолда яшовчи балиқлар манбаи пайдо бўлади. Бун- дай тажрибани диеримиз- даги барча ариқ ва анҳор- ларда қўллаш мумкин. Ҳозирги давр тили билан айтганда, ҳаёлий эмас, аjoyиб ҳаётий лойиҳа амалга ошади. Бундай из- ланувчан инсонлар фаоли- яти албатта ҳар қанча таҳ- синга лойиқ...

Аваллига анча қийналиб, каттагина соф даромадла- рини бой берган Абдусо- ид бошлаган ишидан энди чинакамга мамун. Кабристон, йўл ободончи- лиги каби саробли ишлар- га бош қўшиб юрган тад- биркорни ҳамқишлоқлари астойдил эъзаоллаб, ундан чинакамга рози бўл- моқдалар. "Ҳар ишни, ни- ятга яраша бўлмай", деб беқорга айтмаганлар. Ни- яти холис инсонларнинг босган қадамлари эзгулик учун, айниқса табиати авайлаб-асраш, сўлим боғ- роғлар, гўзалликлар яра- тиш учун қўйилса, охири албатта хайрли, амаллари кўра-барақали бўлади.

Қалби ҳам, қилаётган иши ҳам гўзал инсонлар- ни она Ватанимиз, хал- қимиз доим қўллади, ҳеч қанон унутмайди. Асад АСИЛ, ёзувчи.

ЮРТ КЕЛАЖАГИ КАФОЛАТИ



кўришади. Яъни, ундай қилма, бундай қил, дея қулоғига қуйишади. Панд- насиҳат яхши. Бироқ, ҳаммиша ҳам кўнгилдаги- дек самара бермайди. Энг самарали йўл бу, рухий- психологик тарбиядир. Була эшитганигамас, қўрангага кўпроқ амал қилади. Демокчимизки,

ни, табиати ва дунёкара- шини белгилайдиган маъ- навий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр- оқибат, ор-номус ва анди- ша каби муқаддас тушун- чаларнинг пойдевори оила шариғатида қарор топиши табиийдир".

Дарҳақиқат, оила бо- ласи фақат оила муҳити- дагина рисоладагидай бахтли, саодатли ҳаёт ке- чиради, етарлича таълим- тарбия олади, бағри бу- тун, жисман ва маъна ётун бўлиб вояга етади. Шу сабабли ҳам Оила Яратганинг энг буюк неъматига ҳисобланади. Яратган ўз Муқаддас Ка- лоғида бандаларини ни- ҳос билан жуфтлашишга, оила қуриб яшашга амр этган.

Оилани тоғ маънода, мўтабар даргоҳга, Ҳади- си шарифда келтирилган-

чиллик билан олиб бори- ладиган саботли меҳнат- нинг натижаси ўлароқ юза- га келади. Оила мўтабар- лиги, обрў-эътибори ҳаша- матли иморатлар, автомо- биллар, тўй-ҳашамлар, хо- надон соҳибларининг амал-мартабалари билан белгиланмайди, албатта. Балки, оилада вояга ета- диган фарзандлар барка- моллиги, имли, фаҳму фа- росати, одобу ахлоқи бел- гилайди оиланинг мўта- барлигини. Чунки, фар- занд оила махсули, оила- да чекилган захматлар ме- васи. Тарбия натижаси.

Оила – мўтабар дар- гоҳ. Унинг мўтабарлиги- ни таъмин этувчи омил- лардан яна бири, бизнинг назаримизда, у инсон бо- ласини ҳар турли ёт таъ- сирлардан ихота этувчи мустаҳкам кўрғон бўла олиши ҳамдир. Масалан, башариатнинг асрлар да-

Сўраган экансиз


НАФСИН НАҲАНГ ВАХМАКЛАР

Гоҳи-гоҳида ҳали у ер, ҳали бу ерда термитлар хуружи ҳақида эшитиб қоламиз. Улар қандай ҳашарот ва нима учун бутунлай қириб ташланмайди?

Нодира ВАЛИЕВА, уй бекаси.

Термитлар бундан икки юз миллион йил олдин пайдо бўлган, халқимиз орасида қир чумо- лиси, сариқ чумоли, вах- мак, обвисув номлари билан маълум. Ташқи кўри- нишидан чумолини эсла- тувчи ушбу ҳашарот су- вараклар оиласига ман- суб, асосан тропик ва суб- тропик мамлакатларда уч- райди. Тураржойлар,

ҳам бермаепти. Биргина республикамизнинг қирқ- дан ортиқ туманларида ушбу ҳашаротдан жабр кўраётган иншоотлар, қишлоқ ҳўжалик махсу- лотлари, тарихий ёдғор- ликлар мавжуд. Утган аср- да термитларга қарши ДДТ ва гексохлорон пре- паратлари қўлланилган. Бироқ, бу зарарли дори воситалари атраф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатган- лиги учун уни қўллаш тўхтатилганди. Маҳаллий аҳоли керосин, бензин ёрдамида ушбу ҳашарот- ларни вақтинчалик йўқ қилишга уринади. Аммо бу йўл билан асосий ту- хум қўювчи – она термит- ни йўқ қилишнинг деяр- ли иложи йўқ. Хорижлик олимлар яратган препа- ратлар эса, бизнинг ша- роитларда термитларга умуман таъсир қилмади.



қишлоқ ҳўжалиги экинла- ри, боғлар, сўғориш ка- наллари, тўғон ва улама- лар, бебаҳо маданий ёдғорликларни қисман ёки умуман йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлувчи, ёнингга нисбатан тўрт- беш баробар кўпроқ та- лафот келтирувчи зарар- қунанда ҳисобланади. Термитлар ҳатто рельс шпалларини ва самолёт қиспларини кемиргани маълум.



Хўш, бу қадар кўп зиён келтираётган ҳаша- рот нима учун батамом йўқ қилинмаяпти? Асли- да бу борада уринишлар кўп, биргина АҚШнинг ўзи ушбу зарарқунандага қарши курашиш учун йи- лига миллиардлаб дол- лар миқдорда маблаг сарфлайди. Аммо бу яхши самара бермаепти. Саба- би – термитларнинг яши- рин ҳаёт тарзи, ташқи хавф-хатардан муҳофаза- ланганлиги, тезлик билан кўпая олиш қобилияти- дир. Улар худди эртак- лардагидек жамоа бўлиб, икки-уч метр ва ундан кўчурроқ ер остида, она ёки малика, ота, ишчи, нимфа ва аскар индивид-

қилиш қобилиятига эга эканлиги пойдеворсиз қурилган ёғочли уйларни ўлжа сифатида кўриш- ларига ёрдам беради. Бун- дан аёнки, термитлар мавжуд ерларда яшаш жуда хавфли, улар хона- долларнинг ёғоч устуна- ларини ички қисмидан ке- лмирида ва оёғина силжиш ёки силкинishiда, мўрт- лашган иншоотнинг бут- кул қулашига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам, аҳоли орасида "термит қўчмайди, қўчиради", де- ган гап бор.

Термитларни бартараф қилувчи кўплаб воситалар кашф қилинган. Аммо бу воситалар термитларни йўқ қилиш у ёқда турсин, камайитириш имконини

ҳам бермаепти. Биргина республикамизнинг қирқ- дан ортиқ туманларида ушбу ҳашаротдан жабр кўраётган иншоотлар, қишлоқ ҳўжалик махсу- лотлари, тарихий ёдғор- ликлар мавжуд. Утган аср- да термитларга қарши ДДТ ва гексохлорон пре- паратлари қўлланилган. Бироқ, бу зарарли дори воситалари атраф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатган- лиги учун уни қўллаш тўхтатилганди. Маҳаллий аҳоли керосин, бензин ёрдамида ушбу ҳашарот- ларни вақтинчалик йўқ қилишга уринади. Аммо бу йўл билан асосий ту- хум қўювчи – она термит- ни йўқ қилишнинг деяр- ли иложи йўқ. Хорижлик олимлар яратган препа- ратлар эса, бизнинг ша- роитларда термитларга умуман таъсир қилмади.

Юрдош олимларимиз ушбу муаммони ҳал қилиш учун тинимсиз из- ланишлар олиб бормоқ- далар. Биргина Тошкент Давлат аграр университети олимлари антитермит препаратини ишлаб чи- қиб, катта-катта майдон- ларда, хонадон шариғат- лида синовдан ўтказёт- ганликлари ва натижада- ри яхши самара бераёт- гани кишини қувонтир- гади. Янги ишлаб чиқрилган препаратнинг алоҳида ху- сусиятларида бири кам- харжлиги ва қисқа фурсат- да натижа беришидир. Воситанинг қўлланилиши ва таъсир этиш доираси илмий ҳўйларга бойли- ги билан ҳам гаройиб. Маълум бўлишича, препа- рат ер остига озуқа си- фатида кўмилади, термит- лар уни истемол қили- шади ва бир қисмини она термитга ҳам етказишади. Шу тариқа у аввал ишчи термитлар, сўнг эса она термитга таъсир қилади ва зарарқунанда ҳашаротдан батамом кутулиш имко- нини яратилади. Ҳозир ушбу препаратни ишлаб чиқариш чоралари кўри- лмоқда.

Индир МИФТАХОВА.



– Дўппи кийдик, йигит бўлдик.

Жинойтга жазо муқаррар

Холида Ганиева Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига қисқа давр ишлаган бўлсада, нафс кутқусига учради.

У масъул шахс бўла туриб, Чирчиқ шаҳридаги вилоят қон қуйиш станциясида иш- ловчи қизи Севара Исабое- ва орқали унинг таниши Гав- ҳар Исмоиловани шу станцияга лабо- рант қилиб ишга жойлаштириб қўй- иш эвазига 300 АҚШ доллари талаб қилди. Шунингдек, лаборант бўлиб ишга жойлашишни хоҳловчи талабгорлардан ту- шаётган бошқа "буюртма- лар"ни ҳам бажариб келди.

Бундан ташқари, шаҳар "Тез тиббий ёрдам" бўлими мудири Галина Полукаро- ва билан жинойи тил бириктир- ди. Бўлим шифокори Г. Раз- зокова шахсий ишлари билан 2013 йилнинг август ойида Озарбайжон Республикаси- га кетганидан фойдаланиб, сентябрь-октябрь ойларида Г. Раззоқованинг ишга чиқ- қанлиги тўғрисида сохта маълумот киритидаи ва унга 2 миллион 162 минг 500 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоб-

лаб, ўзлаштиради. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодек- сининг 181-моддаси талаби- га кўра, интизомий жазо амал қилиб турган давр учун ҳодимлар моддий рағбат- лантирилмайди. Лекин, бу талабни билла туриб, инти- зомий чора қўлланилган 12 ходимга 2012 йилнинг май

ҚИНҒИР ИШНИНГ ОҚИБАТИ ХУНУК

ва 2013 йилнинг октябрь ой- ларида рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқаради. Оқибатда давлатга 962 минг 700 сўмлик моддий зарар етказида.

Келаётган бу даромадлар Холида Ганиеванинг эҳтиёж- ларини тўла қаноатлантир- масди. Шу боис у 2012-2013 йиллар давомида мансаб маъкеини суиистемол қилиб, пуллик тиббий ҳо- зиматдан тушган маблаглар хо- димларга иш ҳақи сифати- да берилиши мумкин эмас- лигини билла туриб, бош ҳисобчи Г. Жуманова ва

ҳисобчи Л. Тарановага 5 миллион 398 минг 100 сўм миқдорда иш ҳақи тўлади. Хуллас, у юқоридаги но- қонуний хатти-ҳаракатлари билан Чирчиқ шаҳар тибби- ёт бирлашмасининг жами 8 миллион 523 минг 300 сўм маблагини талон-торож қилди.

Суд ҳайъати Холида Гани- евага жазо тайин- лашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан моддий зарар учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қаро- риди назарда тутил- гавага жазо тайин- лашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан моддий зарар учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қаро- риди назарда тутил-

ган кўрсатмаларга амал қил- ган ҳолда, содир этган жи- ноятларининг оғир-енгилли- гини, шунингдек, етказилган моддий зарар тўлиқ қоплан- ганини инобатга олиб, ушбу муддатга мансабдорлик билан моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорда – 45 миллион 765 минг сўм жари- ма жазоси тайинлади. Хулоса ўрнида айтиш мум- кинки, қинғир иш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ.

Машҳурлар ҳаётидан

Тарихда қоларди...

Бир кун Бернгард Шоуни кўчада извощ туртиб юборди. Ҳеч ким жабр кўрмади. Тўқнашув айбодори хиёлат чекиб, уэр сўраётганда кекса драма- тург унинг сўзини бўлиб, шундай деди:

– Омадингиз чопмади-да, дўстим. Сал қаттигроқ уриб юборганингизда- ми, менинг қотилим бўлиб тарихда қолардингиз.

Тирик ҳайкал

Машҳур италян мусиқачиси Россинига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлишганда у бор-йўғи ўттиз ёшда эди. – Билмасизми, бу ёдгорлик учун қанча сарфланапти? – деб сўрайди бастакор шаҳар раҳбарларидан бирига мурожаат этиб. – Беш юз минг лира. – Войбўй, беш юз минг лира?! – умрида бунча пулни кўрмаган Россини ҳайратдан ҳуштак чалиб юборди. – Уша пулни ўзимга бера қолсанглар, умримнинг охиригача етарди. Мен эса бунинг эвазига Римнинг қор ўртасида ҳар кун эртадан кечгача типпа-тип туриб берардим...

Рассом хандаси



caricatura.ru

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Muassis: Toshkent viloyati hokimligi Haftaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Bujortma S-382. Adadi 8765. Baxosi kelishilgan narxda Xajmi - 2 tabok, ofсет usulida bosildi, qogoz bichimi A-2. ISSN 2010-9318.